

## **Оммавий тартибсизликнинг турлари ва келиб чиқиши сабаблари**

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси

курсанти **Абдугаффаров Исфандиёр Дониёр ўғли**

*E-mail: [Isfandiyorabdugafforov@gmail.com](mailto:Isfandiyorabdugafforov@gmail.com)*

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада оммавий тартибсизлик, унинг турлар ва келиб чиқиши сабаблари, содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқлаши ва бартараф этиши, оммавий тартибсизлик орқасидан келиб чиқадиган оқибатлар, оммавий тартибсизлик етакчиларига қулланиладиган жавобгарлик масалалари ҳақида мақоламизда тўлиқроқ маълумот берилади.

**Калим сўзлар:** омма, тартибсизлик, оммавий тартибсизлик, жавобгарлик, оммавий тартибсизлик турлари, сабаб ва шарт-шароит.

### **Виды и причины общественных беспорядков**

**АННОТАЦИЯ:** В этой статье мы предоставим более подробную информацию о массовых беспорядках, их видах и причинах, выявим и устраним условия, позволившие им возникнуть, последствия массовых беспорядков, а также вопросы ответственности, применяемые к руководителям массовых беспорядков.

**Ключевые слова.** масса, беспорядки, массовые беспорядки, ответственность, виды массовых беспорядков, причины и условия

Мавзунинг долзарблиги. Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай

кўринишига муросасизлик муносабатини шакллантириш орқали демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш мумкин. Жамиятнинг хар бир аъзоси озгина бўлса хам ўз хиссасини қушганда, жамият юксалади. Демократия - (қадимги юонон тилида – “халқ хокимияти”) барша инсонлар тенглик билан коллектив қарорга келиш имконига эга сиёсий тузум. Яъни жамиятнинг хар бир аъзоси давлатни бошқаришда ўз ўрнига эгадир. Аммо шундай холатлар кўзатиладики, демократияни печ қилип оммавий тартибсизлик келтирип чиқариши мумкин. Омма харакат давомида битта ғоя остига харакат қиласи. Омма ўзи – оддий қилип тушинтирилганда, “оломон”, “омма” ва “авом” сўзлари инсонларнинг маълум жихатлардаги муштарақ (миллий, касбга доир, жинсий ва хакозо) туфайли бирлашишини англатади.<sup>1</sup> Омма бўлип харакат қилганда ўз ҳуқуқларини тикламоқчи бўлишади, аммо бунинг оқибатида давлатга жуда катта зарар етади. Оммавий тартибсизлик - давлат сиёсати ва миллатнинг хавфсизлигига таҳдид солиш ва путир етказиш, ҳукумат органлари фаолиятини беқарорлаштириш, жамият ҳаётини издан чиқариш, жамоат тартибини бузиш, турли мафкураларни қўллаб ёшлар онгига раҳна солиш, давлат иқтисодиёти ва шахсий мулкка жиддий зарар келтириш ва инсонларнинг қурбон бўлишига олиб келувчи сиёсий жиноят туридир.<sup>2</sup> Айрим хорижий давлатларда вужудга келаётган мураккаб сиёсатлар оммавий тартибсизликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Гап шундаки, жамиятда юз берадиган демократик ўзгаришлар даврида оммавий характерга эга бўлган митинглар, юришлар, демонстрациялар, акциялар ва норозиликлар жуда оммавийлашиб кетмоқда. Ушбу шароитларда негатив характерга эга бўлган оммавий ходисалар, хусусан, оммавий тартибсизликларнинг жамиятда кенг тарқалиши кузатилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, “...ахолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши

---

<sup>1</sup> <https://uz.wikipedia.org/wiki/Omma>

<sup>2</sup> [https://www.researchgate.net/publication/360280222\\_Ommavij\\_tartibsizliklarning\\_oldini\\_olisda\\_profilaktik\\_cora-tadbirlarning\\_aamiati](https://www.researchgate.net/publication/360280222_Ommavij_tartibsizliklarning_oldini_olisda_profilaktik_cora-tadbirlarning_aamiati)

курашиш, жамоат тартибини сақлаш – ҳозирги кунда энг муҳим вазифадир<sup>3</sup> Ватанимиз ривожланиши, гуллаб-яшнаши ва равнақи учун, албатта, ҳеч қандай ёвуз қуч рахна солмаслиги керак. Бунинг учун барча хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса, Ўзбекистон республикаси Миллий гвардияси ва ИИО ҳодимлари аҳоли билан профилактик тадбирларни олиб боришлари ва, албатта, ноқонуний оммавий тадбирлар давомида тартибсизлик келтириб чиқариш ёмон оқибатларга олиб келиши бўйича тушунтириш ишларини мунтазам олиб боришлари ҳамда бу борада аҳолининг хуқуқий билимларини ошириб боришлари зарур.

Республикамиз қонунчилигига оммавий тартибсизликлар ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар туркумига киритилган бўлиб, бу жиноят тури қаттиқ қораланади ва Жиноят кодексининг 244-моддасида ўз аксини топган

Кўп сонли оломоннинг криминал харакати одатга кўра, тажовузкорлик, ўзаро таъсирчанликнинг кучлилиги, эҳтиросларнинг жўшқинлиги билан кузатилади.

Оммавий тартибсизликни турга ажратишдан олдин ушбу ходиса ёки жараённи чуқур ўрганиш лозим. Оммавий тартибсизликлар давомидаги жиноий хатти-харакатлар икки турга бўлинади: умумий; ўзгача. Муассасалар, дўконларни вайрон қилишга қаратилган бузғунчиликлар, транспорт воситаларини йўқ қилиш, ўт қўйиш ва бошқа шунга ўхшаш харакатлар оммавий тартибсизликларнинг умумий аломатларини белгилаб беради. Ўзгача оммавий тартибсизликлар эса фуқароларнинг хонадонларига босқинчилик қилишда ифодаланади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда оммавий тартибсизликларни қуидаги турларга бўлиш асосли:

**Вужудга келиш  
сабабларига кўра:**


**Характерига кўра:**

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳалқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи”. – 2017. – 15 окт.



Давомийлига  
күра:

Қатшашувчилар  
сонига күра:



Оммавий тартибсизликлар содир этилиши мумкин:

- давлат бошқаруви (хуқуқни муҳофаза қилиш) органлари объектлари, хорижий давлатлар элчихоналари ёнида;
- аҳоли пунктлари (кўчалар, сайилгоҳлар, майдонлар, бозорлар)да; .
- давлат, маданий, оммавий спорт тадбирларини ўтказиш давомида;
- йирик саноат объектлари (заводлар, фабрикалар)да;
- жазони ижро этиш муассасалари (турмалар, колониялар, тергов хибсхона-лари ва қамоқхоналар)да ва ҳ.к.

Оммавий тартибсизликга жамиятда бўлаётган ўзгаришларга ўз вақтида этибор берилмаётганлигидан, давлат хокимиятида олиб борилаётган янги ислоҳатлар ёхуд мавжуд давлат тузумидан нозилик натижасида келиб чиқиши мумкин. Ижтимоий-сиёсий бекарорлик, нотинчлик белгиларига қуидагилар киради: тажовузкорлик, ақидапарастлик, диний экстремизм, ислом фундаментализми, давлат шовинизми, миллатчилик, агрессив миллатчилик, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, шунингдек, ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга уринаётган кучлар, терроризм ва ҳоказо.

Оммавий тартибсизликларга қарши курашиш масалаларида давлат идоралари ва ҳуқуқ-тартибот органлари ҳаракат-сизлик ва совуққонликка йўл қўймаслиги талаб қилинади.

### **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Omma>
2. [https://www.researchgate.net/publication/360280222\\_Ommavij\\_tartibsizliklarning\\_oldini\\_olisda\\_profilaktik\\_cora-tadbirlarning\\_aamiati](https://www.researchgate.net/publication/360280222_Ommavij_tartibsizliklarning_oldini_olisda_profilaktik_cora-tadbirlarning_aamiati)
3. <https://religions.uz/news/detail?id=391>
4. <https://lex.uz/docs/4494709?ONDATE2=21.04.2021&action=compare>
5. «                  Ўзбекистон                  Республикаси                  Конституцияси»  
<https://constitution.uz/uz/clause/index>
6. www.bilim.uz.<sup>1</sup>                  <https://www.gazeta.uz/oz/2021/02/16/16-february-1999/>
7. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш: Дарслик / И. Исмаилов ва бошқ. – Т.: Б.А.Матлюбовнинг умумий таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019
- 8.
9. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 33-модда. Тошкент Адолат 2019 йил. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи”. – 2017. – 15 окт.
10. Фуқаролик жамияти. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Fuqarolik\\_jamiyati](https://uz.wikipedia.org/wiki/Fuqarolik_jamiyati)